

ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ ТОМОНИДАН ХОЖАГОН ТАЪЛИМОТИГА КИРИТИЛГАН БИРИНЧИ РАШҲА

Нурматова Нигора Умаровна

Бух МТИ, “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди.

Аннотация. Мазкур мақолада тасаввуф илми намояндаси Юсуф Ҳамадоний томонидан киритилган хожагон-нақшбандия тариқатидаги биринчи қоида-“Хуш дар дам” раишҳасининг мазмун-моҳияти, қатор алломалар ижодида тилга олинishi, комил инсоннинг шаклланишидаги аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: Хуш дар дам, руҳий тарбия, маънавият, тасаввуф, хожагон-нақшбандия таълимоти, нафас олмоқ, ҳушёр бўлмоқлик, иймон, нафси жиловлаш, Ҳақ йўли, руҳий қувват, комил инсон.

Аннотация. В данной статье раскрывается суть первого правила ордена Ходжагон-Накибандия, введенное представителем суфизма Юсуфом Хамадони-раши «Хуш дар дам», ее упоминание в работах ряда ученых, ее значение в формировании совершенного человека.

Ключевые слова: Хуш дар дам, духовное образование, духовность, мистицизм, учение Ходжагон-Накибандия, дыхание, бодрствование, вера, воздержание, путь истины, духовная сила, совершенный человек.

Annotation. This article reveals the essence of the first rule of the Khodjagon-Naqshbandiya order, introduced by the representative of Sufism Yusuf Hamadoni-the rashi "Khush dar dam", its mention in the works of a number of scientists, its significance in the formation of a perfect person.

Key words: Hush dar dam, spiritual education, spirituality, mysticism, teaching of Khojagon-Naqshbandiya, breathing, being alert, faith, self-restraint, the path of truth, spiritual strength, perfect person.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев юртимиз тараққиёти асоси бўлган маънавият масаласига эътибор қаратиб “Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони, руҳи маънавиятдир” дея таъкидлайди. Чунки маънавий асосларсиз, маънавий негизларсиз, маънавий кадрларсиз, маънавий-миллий

руҳсиз ҳеч бир давлат ўзининг юксак мақсадларига эриша олмайди. Агар биз боболаримиз яратган иккита Ренессанснинг асосига назар ташлайдиган бўлсак, иккаласида ҳам ўша иқтисодий ривожланиш билан руҳий ривожланиш уйғунлигини кўрамиз.

Биринчи Уйғониш даври инсоншунослик таълимоти намояндаларидан бири Юсуф Ҳамадоний (1048-1141)нинг миллий меросимизда ўз салмоқли ўрнига эга бўлган руҳий тарбия борасидаги таълимоти ниҳоятда аҳамиятлидир.

Тадқиқотларимиз натижасида Юсуф Ҳамадонийнинг қуйидаги асарлари бизгача етиб келганлиги аниқланди:

1. "Рутбатул-ҳаёт" ("Ҳаёт мезони").
2. "Манозил ус-соирин" (Илм толибларининг манзиллари).
3. "Манозил ус-соликин"(Ҳақ йўлида борувчиларнинг манзиллари).
4. "Кашф".
5. "Рисола дар одоби тариқат" ("Тариқат одоби ҳақида рисола").
6. "Рисола дар ахлоқ ва муножот" (Ахлоқ ва муножот ҳақида рисола").
7. "Рисола фи аннал кавна мусаххарун лил инсон" (Коинотнинг инсонга бўйсундирилганлигига доир рисола).

Мазкур асар "Инсон ва коинот ҳақида рисола" номи билан нашр қилинди.

Юсуф Ҳамадонийнинг учта асари - "Рутбат ул - ҳаёт", "Одоби тариқат", "Инсон ва коинот ҳақида рисола"лари ўзбек тилига таржима қилинган. Бу асарлар маънавий камолотнинг улкан хазиналарига қўшилган дурдоналардир.

Мазкур дурдоналардан бири "Рутбат ул - ҳаёт" Сайфиддин Рафиддин ва Нодирхон Ҳасанлар томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб нашр этилган. Бу асарда инсон ҳаёти мазмуни, камолот босқичлари ва унга эришиш йўллари батафсил баён этилган.

Абдулҳолик Ғиждувонийнинг "Мақомоти Юсуф Ҳамадоний" асари билан бирга Юсуф Ҳамадонийнинг "Одоби тариқат" ва "Инсон ва коинот рисола"си нашр этилган. "Инсон ва коинот рисола"сида инсон Оллоҳ томонидан қай даражада улуғланганлиги ва унинг бахтли яшashi учун коинот орқали барча неъматларни муҳайё қилганлиги баён қилинган. Мазкур асарда Юсуф Ҳамадоний инсонларни бу неъматлардан меъёрда фойдаланиш ва уларни асраб-авайлашга чақиради.

Юсуф Ҳамадоний ўзининг "Одоби тариқат" асарида инсон ўзини соғлом комиликка етказиши учун ҳар куни бирор авлиёуллоҳнинг китобларидан 8 бет мутолаа қилсинки, бундан унинг кўнгли жонланади, деган фикрни таъкидлаб, инсон камолоти учун зарур бўлган тўрт асосга эътибор бериш лозимлигини таъкидлайди:

Биринчи асос-нафс риёзиёти, яъни нафсни тарбиялаш.

Иккинчи асос-луқма ва ҳирқа (либос)нинг ҳалоллиги.

Учинчи асос-мужоҳада, яъни бир ишни қилишга жидду-жаҳд қилиш, эзгулик йўлида тинимсиз ҳаракатда бўлиш.

Тўртинчи асос-зикр, яъни хотирани тўғри тарбиялаш (инсон хотирасида фақат яхшиликларни сақлашга ўрганиш).

Юсуф Ҳамадонийнинг тасаввуф тарихидаги улкан хизматларидан яна бири шуки, инсон камолоти учун зарур бўлган 4 рашҳа-ҳаётбахш ўғитларни ёзиб қолдирган. Хожагон ва нақшбандия таълимотларининг ўн битта қоидалари тасаввуф оламида маълум ва машҳур ҳисобланади. Ушбу 11 қоида асоси бўлган тўртта қоида бевосита Юсуф Ҳамадоний томонидан яратилган. Манбадаги Юсуф Ҳамадоний томонидан айтилган қуйидаги фикр диққатимизни тортди: “Ҳуш дар дам” (ҳар бир нафасни идора этиш, онгли тарзда чиқариш), “назар бар қадам” (оёғингиз остига ва олдингизга қаранг), “сафар дар Ватан” (Ватанда сафар қилинг) ва “хилват дар анжуман” (халқ орасида Ҳақ билан бирга бўлинг)”, - дер эди”.

Юсуф Ҳамадоний хожагон таълимотига киритган биринчи рашҳа “Ҳуш дар дам” бўлиб, у хожагон-нақшбандия таълимотини ҳушёрлик, огоҳлик, дахлдорлик, онглилик, воқифлик йўлидан бориб, жаҳоний таълимотга айланишига сабаб бўлди. “Ҳуш”-ҳушёр, огоҳ, воқиф, ҳар бир ишнинг асли, моҳиятини англаш, зехн маъноларида келса, “дам”-нафас, он, вақт, замон мазмунини англатади. “Ҳуш дар дам” зоҳирий ва ботиний мазмунга эга рашҳадир. “Ҳуш дар дам” машғулоти хаёлни жиловлаш, фикрни бир жойга тўплашга қаратилган. Агар фикру хаёл жиловланиб, ёлғиз Аллоҳга қаратилмаса, солиқ кейинги рашҳаларга амал эта олмайди. Зеро, Юсуф Ҳамадоний рашҳалари фақат тил зикрига эмас, дил зикрига асосланади. Ҳар нафасда тилни ҳам, дилни ҳам, фикрни ҳам Аллоҳ зикри, Аллоҳ ёди эгаллаши лозим. Зоҳиран “Ҳуш дар дам” инсондан ҳар нафасни онгли, тўлақонли, шукроналик билан олишни англашиб, инсонни жисмонан ва ақлан камолотга етказса, ботиний маъноси ҳар дам, ҳар нафасни ғанимат билиб, илоҳий неъмат сифатида сақлашдир. “Ҳуш дар дам” рашҳасини тасаввуф аҳли турлича талқин этганлар. “Аҳли тариқатнинг ибодати чиққан ва кирган нафаслардан огоҳ бўлмоқликдир”, дейди Боязид Бастомий. Саъдуддин Қошғарий “Ҳуш дар дам”ни қуйидагича шарҳлаган: “Нафас олмоқ ва чиқармоқ ғафлат билан эмас, балки ҳузур ва огоҳлик юзасидан бўлиб, ҳар бир нафас Аллоҳ таоло зикри билан ўтсин”. Ҳазрат Баҳоуддин таъкидлашларича, бу йўлда нафас ҳал этувчи омилдир. Яъни, нафас олганда хаёл на ўтмиш, на келажакка банд, балки хаёл ўтмиш ва келажак воқеаларидан озод

бўлиши керак. Нафасни олиш ва уни чиқариш, шунингдек, икки нафас ўртасини ғоят эҳтиёт қилиш зарур. Зеро, нафас ғофиллик билан кириб чиқмасин.

Рубоий:

Эй монда зи баҳри илм бар соҳил айн,
Дар баҳр фароғат асту бар соҳил шайн.
Бардор сафи назар зи мавжи кавнайн,
Огоҳ ба баҳр бош байн ун-нафасайн.

Мазмуни: Эй илм денгизига кирмай, унинг соҳилида қолган зот, фароғатни денгиздан топасан, соҳилда эса бахту саодат йўқ. Икки дунё жилвасига назар солмай ҳар нафас олиш ва уни чиқариш орасида хушёр бўл. Баҳоуддин Нақшбанд бу рубоийда қуйидаги ғояни таъкидлаган:

"Огоҳ зи баҳр бош байнун-нафасайн"

Мазмуни:

Денгиздан (яъни олам моҳиятидан) нафасларинг орасидаги дамда ҳам огоҳ ва хушёр бўлгин. Яъни, сен нафасни огоҳлик билан олиб, огоҳлик ила чиқариш амалиётидан қоникмасдан булар орасидаги дамни ҳам унумли ўтказгин. Инсон тўғри нафас олиш учун, аввало жисмоний қувватларни бошқаришни ўрганади. Нафас йўллари, ўпка қуввати тўғри ишласа, мия фаолияти яхшиланади, ақлий қувват ортиб инсон уни ҳам бошқаради. Нафасни беҳудага кетказмаслик нафсоний қувватларни жиловлайди ва инсон нафаси пок, қудсий бўлиб, Исо нафаси каби ҳаётбахш бўла боради. Бундай инсонни "дами, нафаси ўткир" - деб айта бошлайдилар.

Буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг "Агар шоҳсен-огоҳ сен. Агар огоҳсен-шоҳ сен" деган ғояси хушёрлик учун ҳаётий тамойил ҳисобланади. Сўз мулкининг султони "хуш дар дам" моҳиятини қуйидаги байтда тўғри очиб берган:

Мозию мустақбилни тааммул айла кам,
Не учунким дам бу дамдир, дам бу дам.

"Хуш дар дам"-ҳар дам, ҳар нафасда хушёр бўлишни англатувчи ибора бўлиб у қоида сифатида нафас олиш қувватини назорат этиш, ҳар бир нафасни бошқариб, уни эзгулик йўлига, ҳақ ризолиги учун сафарбар этишни назарда тутди. Ҳаёт-нафас олиш актлари тизимидир. Тананинг барча фаолиятлари ичида энг асосийси нафасдир. Чунки тананинг барча бошқа фаолияти шу нафас олишга боғлиқ бўлиб, унга бўйсунди. Нафасни оҳангли олиш бутун табиат билан уйғун тебранишга олиб келиши мумкин ва ўзидаги яширин қувватларнинг тараққиётига ёрдам бериши мумкин.

“Хуш дар дам”-ҳар дам, ҳар нафасда ҳушёр бўлишни англатувчи ибора бўлиб, у қоида сифатида нафас олиш қувватини назорат этиш, ҳар бир нафасни идора этиб, уни эзгулик йўлига, Ҳақ ризолиги учун сафарбар этишни назарда тутади.

Инсон саломатлиги учун энг зарурий асослардан бири нафас олиш жараёнидир. Юсуф Ҳамадоний таълимотининг асосий тамойили бўлган “Хуш дар дам” тамойили нафас олишни тартибга солади. У бу жараённи ташқи ва ички томонидан мукаммаллаштириб моҳиятини очади. “Хуш дар дам” тамойилининг зоҳирӣ, яъни ташқи томони ҳар бир оладиган нафасни тўғри, бутун ўпка қувватларини сафарбар этиб, олинган нафаснинг бутун вужудга тарқалиши учун ичида сақлаб, уни тўғри чиқариш ва нафас олиш жараёнида ҳушёр бўлиш, ҳар бир берилган нафас, кирадиган, чиқадиган нафаслар орасидаги вақтга шукроналик қилишдир. Бу оддий инсоннинг ҳам саломатлигини тиклайди, уни ёш, тетик ва ғайратли бўлишга ёрдам беради. Бу жараённи тўғри амалга оширган инсон жуда Гўзал бўлади.

Юсуф Ҳамадонийнинг “Хуш дар дам” рашҳасини зоҳирӣ жиҳатдан аҳамиятини қуйидагиларда деб асослаш мумкин:

1. Ҳар бир тўлақонли нафас қонни тозалайди, агар у етарли тозаланмаса, артерияга етарли тозаланмасдан ўзидаги тана қисмларидан олинган ифлосликларни сақлаб қайтади. Бу ифлосликлар яна организмга қайтиши эса касалликка сабаб бўлади.

2. Ҳушёр нафас олиш жараёнида қон таркибига кислороднинг маълум қисми киради ва бутун танага тарқалади. Қонда кислород гемоглабин билан қўшилади ва тананинг ҳар бир ҳужайрасига тарқалади, уларни тирилтиради ва мустаҳамланишига олиб келади. Артерия қонида 25% кислород бор. Демак, кислород тананинг ҳар бир қисмини тирилтиради, ҳаёт беради.

3. Овқатларни ҳазм бўлиши, тўла озиқ моддаларнинг оксидланиши уларнинг кислород билан бирикишига боғлиқ. Овқат ва ичимликнинг ҳар бир зарраси танада ҳазм бўлиб кетишидан олдин кислород билан оксидланиши керак. Тўғри нафас олиш мазкур жараён учун зарур ҳисобланади.

4. Тананинг чиқиндилардан тозаланиш жараёнида ҳам кислород керак ва бу нафасни тўғри олиш билан боғлиқдир.

5. Қондаги бузилган нарсалар кислород ёрдамида қуяди ва бу жараён натижасида иссиқлик ҳосил бўлиб, танада зарурий ҳарорат ҳосил қилади.

6. Чуқур нафас ички орган ва мускуллар машқидир.

Нафас олишнинг ботиний томонига тасаввуф эътибор беради. Бу таълимот ғоясига кўра нафас олишда веналарга қон билан бирга коинотнинг илоҳий кучи

ҳам киради. Унинг манбаи қалб. Шунинг учун қалб ҳаракатига эътиборли бўлиш лозим. Ҳуш дар дам талабида нафас олиш ва чиқаришга катта эътибор берилади. Бу талаб жуда чуқур фалсафий илдизга эга бўлиб, бир томондан, Шарқда қадимги Ҳиндистондаги йога таълимотидаги прана тушунчаси билан озиқланса, иккинчи томондан, Ғарбдаги стоиклар қарашларидан озиқланган.

“Ҳуш дар дам” тамойилининг ботиний томонининг яна бир қирраси, ушбу рашҳага амал қилиш инсон табиати талаблари бўлган жараён бўлиб, инсонни ўз-ўзини назорат қилишига ва бутун олам нафас олиши билан уйғун ғафлат, беҳудлик ҳолатига тушмаслигига ёрдам беради. Инсон ҳар нафас иймонни сақлайди, кўриқлайди, нафсни жиловлайди, қусурларини кўради. Булар эса бутун вужуд имконият ва салоҳиятини бошқариш, қувватларни уйғотиш ва Ҳақ йўлига сафарбар этишга имкон беради. Руҳий қувватларни идора этиш асосида инсон камолга етади. Бу рашҳа инсонни моҳиятга томон қадам ба қадам юксалишга олиб боради. Инсон қалб ҳақиқатига юзланади ва таважжуҳ ҳолатига келади ҳамда тажаллийни қабул этадиган бўлади. Натижада инсон фаол бўлади, бу жисмонан ва маънан соғлом бўлишга ёрдам беради.

“Ҳуш дар дам” рашҳаси инсон ботинини ва жисму жонини бутун борлик билан уйғун ҳолатга киритади, ҳар бир нафасни сақлаб, унинг ўткинчилик хусусиятини абадийликка боғлайдиган бўлади. Ҳар бир нафасни андиша қилиш, унинг ҳаққини адо этишга имкон беради. Ҳар нафасни охирги нафас деб ўйлаш инсонни охирги нафасга тайёр туриш ҳолатига етказди. Бу эса инсонда ҳар бир ишни вақтида қилиш малакасини пайдо қилади. Инсон ҳар нафасдан эътибор ва истиффор билан фойдаланадиган бўлади, вақтни беҳуда ўтказмайди. У нафасни беҳуда ўтказиш гуноҳ эканлигини англайди ва уйғоқ, огоҳ бўлишга интилади. Бу эса бефарқ, бетараф, бепарво, уйқуда бўлиш каби иллатдан инсонни қутқаради. Натижада у нафаслар орасидаги вақтда ҳам олам моҳиятидан огоҳ бўлади, ҳузур, огоҳлик, ҳушёрлик ҳолати энг олий неъмат эканлигини англайди ва илоҳий ҳақиқат учун бутун куч ва қудратни сафарбар этади. У ҳар нафас ақл, эс-ҳуш, хотирани назорат этиб, унинг куч-қудратини эзгулик йўлига сафарбар этадиган бўлади. Натижада инсон чаққон, ҳушёр бўлади.

Тасаввуф таълимотига Юсуф Ҳамадоний томонидан киритилган “Ҳуш дар дам” рашҳасига амал қилиш инсонни ҳар томонлама гўзал ва уйғун қилиб, ташқи томондан ва ботинан ўзгариш ва камолотга олиб келади. Буни биз қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

- Инсон руҳи ва жисми онгли нафас олиш натижасида ёшаради, қувватли бўлади, ёш қариш ва бевақт ўлимдан сақлайди, ҳаракатчан бўлади;

- тўғри нафас олиш натижасида инсон бадани ортиқча туз, чиқинди, ёмон рух, ёмон кўз, суқ, ҳасаддан покланади ва соғлом бўлади;

- тўлақонли нафас инсон миясининг ишлаш қобилятини оширади, ақлий фаолиятни самарадор бўлишига олиб келади;

- тўғри нафас олиш орқали инсон сезгирлиги, ҳис қила олиш қобиляти кучаяди ва ўзини барча хавф-хатардан ҳимоя эта олади;

-“Хуш дар дам” натижасида хужайралар тўйиниб яшайди, модда алмашинуви яхшиланади, тананинг барча яширин имкониятлари юзага чиқади. Инсон бутун коинот билан уйғун бўлади;

- мазкур рашҳа натижасида инсон танаси муқаддас руҳнинг манзилига айланади, астрал тана ҳаракати яхшиланади;

- инсон “хуш дар дам” рашҳаси асосида ўзи учун зарурий уч жараён-нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, қон айланишни бошқариб, идора қила оладиган бўлади. Натижада инсон танасидаги энергиянинг асосий марказлари уйғонади.

Демак, Юсуф Ҳамадоний томонидан киритилган “хуш дар дам” рашҳаси инсонни энг яқин йўл билан камолотга етиш имконини беради ва уни гўзал, уйғун қилади. Президентимизнинг ҳар гал халқимизни огоҳликка, хушёрликка даъват этишлари бежиз эмас. Миллий-маънавий меросимиздан ёшларни атрофдаги воқеа ва ҳодисаларга хушёр муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашда фойдаланиш зарур. Жамиятимиз маънавиятини юксалтиришда хушёрликни таъминлаш долзарб ҳисобланади, бунда боболаримиз қолдирган миллий-маънавий меросимизга мурожаат қилиш муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Санджар, М. Одним из факторов чистоты сердца является Футуват. *Международный журнал инноваций в инженерных исследованиях и технологиях*, 98-101.

2. МУРАДОВ, С. А. СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ ВЗГЛЯДЫ ФАРИДУДДИНА АТТОРА. *МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ Учредители: ООО "Издательство Молодой ученый"*, (51), 529-531.

3. Мурадов, С. А., & кизи Касимова, Ф. Ф. (2022, December). ФИЛОСОФИЯ ДИЗАЙНА: ОСОБЕННОСТИ И СУЩНОСТЬ. In *INTERNATIONAL CONFERENCE: PROBLEMS AND SCIENTIFIC SOLUTIONS*. (Vol. 1, No. 7, pp. 51-59).

4. Санжар, М. (2020). Взгляды Фаридуддина Аттора на бытие. *Международный журнал прикладных исследований. ИДЖАР*, 6(6), 34-36.

5. Муродов, С. А. (2009). Ибн Сино, Атор ва Навоий асарларида кушлар тимсоли. *Имом ал-Бухорий сабоқлари», Маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал. Тошкент*, 273-276.

6. Мурадов, С. А. Современные методы философии и их значение в развитии мышления человека. *Актуальные исследования*, 51.

7. Murodov, S. A. (2022, November). Relationship between the universe and man in the works of Fariduddin Attor. In *INTERNATIONAL CONFERENCE: PROBLEMS AND SCIENTIFIC SOLUTIONS*. (Vol. 1, No. 6, pp. 35-41).

8. Karimov, B. K. (2022). HARMONY OF MIND AND SPIRIT. *THE ROLE OF SCIENCE AND INNOVATION IN THE MODERN WORLD*, 1(2), 56-61.

9. Каримов, Б. (2011). Гармонизация взаимоотношений государства, общества и человека как основа справедливого общества. постановка вопроса. *Fuqarolik jamiyati. Гражданское общество*, 8(1), 71-73.

10. Мирзакулов, Б. Т. (2015). Дипломатические и торговые связи Бухары с Россией XVI–XVIII вв. *Молодой учёный*, 20, 548.

11. Мирзакулов, Б. Т. (1994). Рабочая кооперация Узбекистана в 20-е-начале 30-х гг.

12. Султонова, Л. С. (2022). МЕСТО ИНЖЕНЕРНОЙ ПЕДАГОГИКИ В ПОДГОТОВКЕ БУДУЩИХ ИНЖЕНЕРОВ. *YOUTH, SCIENCE, EDUCATION: TOPICAL ISSUES, ACHIEVEMENTS AND INNOVATIONS*, 1(6), 29-34.

13. Sultanova, L. (2021). The historical roots of spiritual education of youth. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 461-463.

14. Aminovna, B. G. (2021). The role of social system and political ideas in achieving human prosperity. *Thematics Journal of Education*, 6(November).

15. Аминовна, Б.Г. (2022). ЗНАЧЕНИЕ ВНУТРЕННИХ И МЕЖДУНАРОДНЫХ ПУТЕЙ СВЯЗИ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКИХ КОРОЛЕВСТВ В РАЗВИТИИ ТОРГОВЛИ. *Web of Scientist: Международный научный исследовательский журнал*, 3 (10), 12:00–12:05.

16. Темиров, Ш. Т., & Азимов, А. А. (2016). Экономический и культурный рост народов центральной Азии в IX-X веках. In *Интеграция современных научных исследований в развитие общества* (pp. 104-105).

17. Jahongir, S. (2020). Philosophical views of Umar life. *Academicia. An International Multidisciplinary Research Journal.–India*, 10(4), 360-364.

18. Shodiev, J. J. (2020). Interpretation of moral facts in the opinions of Umar Khaууam. *International engineering journal for research & development.-India*, 5(3), 143-148.

19. Шодиев, Ж. Ж. Interpretation of the image of may in the ruba of Umar Khaууam. *Monografiya pokonferencyjna science, research, development*, 33, 2020-30.

20. Шодиев, Ж. Ж. (2020). Умар Хайём фалсафий қарашларида инсон тақдири ва эркин ирода масаласи. *Наманган давлат университети Илмий ахборотномаси*, 2, 197-204.

21. Шодиев, Ж. Ж. (2020). Умар Хайёмнинг асосий асарлари ва рубойларининг тузилиши, мазмуни ва таҳлили. *Илм Сарчаишмалари.- Урганч*, 10, 44-47.

22. Шодиев, Ж. Ж. (2020). Умар Хайём рубоийларининг талқин ва тавсифи. *Наманган давлат университети Илмий ахборотномаси*, 9, 206-210.
23. Шодиев, Ж. Ж. (2020). Умар Хайёмнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари. *Фалсафа ва ҳуқуқ. –Тошкент*, 3, 107-110.
24. Shodiev, J. (2021). The problem of knowledge in the philosophical views of Umar Khayyam. *Imam al-Bukhari IBS Journal*, 2.
25. Шодиев, Ж. (2022). Илк уйғониш даврида–комил инсонни шакллантириш ватарбиялашда тасаввуф таълимотининг ўрни. *Scientific Bulletin of NamSU-Научный вестник НамГУ-NamDU ilmiy axborotnomasi–2022-yil_4-сон*, 229.
26. Шодиев, Ж. Ж. Мамлакатимизда инсон қадрини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. *Қарду хабарлари. Илмий-назарий, услубий журнал. Махсус сон (Ижтимоий фанлар)*.
27. Shodiev, J. J. (2020). INTERPRETATION AND DESCRIPTION OF UMAR KHAYYAM RUBAYA. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(9), 206-211.
28. Jurakulovich, S. J. (2022). AGAINST IGNORANCE-FIGHTING WITH ENLIGHTENMENT THE MAIN CRITERIA IN IMPROVING HUMAN VALUE. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(10), 1160-1164.
29. Jurakulovich, S. J. (2022). ATTITUDE TO HUMAN DIGNITY IN THE PERIOD OF AMIR TEMUR AND TEMURIDS DYNASTY. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(5), 43-47.
30. Shodiyev, J. (2021). JAMIYATDAGI MEHNAT MUNOSABATLARI SHAROITIDA MA'NAVIY SALOHİYAT. *Журнал истории и общества*, (2)
31. SHODIEV, J. (2021). SOCIO-POLITICAL LIFE AND THE DEVELOPMENT OF SCIENCE IN THE PERIOD OF UMAR KHAYYAM. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 1(1).
32. Shodiyev, J. (2021). O'ZBEKISTONDA IJTIMOYIY-SIYOSIY KOMMUNIKATSIYA RIVOJLANISHIDA RAQAMLI TRANSFORMATSIYA SIYOSATI. *Academic research in educational sciences*, 2(2), 409-416.
33. Shodiyev, J. J. (2020). U THE QUESTION OF HUMAN DESTINY AND FREE IN THE PHILOSOPHICAL VIEWS OF OMAR KHAYYAM. *Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology*, 2(2), 197-202.
34. Shodiev Jahongir Jurakulovich. Interpretation of moral facts in the opinions of Umar Khayyam. *International Engineering Journal For Research & Development* 2020/4/16.
35. Jurakulovich, S. J. (2023). The role of the national idea in increase of human values. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(10), 1160-1164.
36. Shodiyev Jahongir Jo'raqulovich. Inson qadri va uning huquqlari eng oliy qadriyat: tarixiy-huquqiy meros. *Ilm sarchashmalari/ Urganch – 3.2023*. 19-21.

37. Azimov, A. A., & Avliyokulov, U. M. (2019). СОЦИАЛЬНО-ЭСТЕТИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ ЭПОХИ АБУ АБДУЛЛАХ РУДАКИ. *Theoretical & Applied Science*, (5), 560-562.

38. Азимов, А. А., & Темиров, Ш. Т. (2016). Политическая и социальная жизнь в бухарском эмирате во взглядах ахмада дониша. In *Интеграция современных научных исследований в развитие общества* (pp. 66-67).

39. Азимов, А. А., & ўғли Рўзиев, А. Ш. (2022, December). ОСОБЕННОСТИ КНИГИ АВЕСТА. In *INTERNATIONAL CONFERENCE: PROBLEMS AND SCIENTIFIC SOLUTIONS*. (Vol. 1, No. 7, pp. 37-42).

40. Azimov, A. A. (2022). PHILOSOPHICAL AND ETHICAL IDEAS OF THE EARLY RENAISSANCE OF THE EAST IN CENTRAL ASIA AND THEIR REFLECTION IN THE VIEWS OF ZAKARIA AR RAZI. *INNOVATIVE DEVELOPMENT IN THE GLOBAL SCIENCE*, 1(7), 57-62.

41. Азимов, А. А., & Темиров, Ш. Т. (2016). КУЛЬТУРНАЯ И АРХИТЕКТУРНАЯ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ ВОСТОКА И ВОСТОЧНОЙ ЕВРОПЫ С БУХАРОЙ. In *Современные тенденции развития науки и производства* (pp. 33-34).

42. Бафоев, Ф. М. (2020). О НЕКОТОРЫХ КОНТУРАХ НОВОГО МИРОВОГО ПОРЯДКА: ЭВОЛЮЦИЯ, ПРОГНОЗЫ, ПЕРСПЕКТИВЫ. *Theoretical & Applied Science*, (12), 388-390.

43. Бафоев, Ф., Мирзаходжаев, А., & Мирзаев, А. (2018). Принцип неделимости безопасности: непрерывность, целостность, универсальность. *Fuqarolik jamiyati. Гражданское общество*, 15(1), 80-83.

44. Феруз, Б. (2015). Среднесрочные приоритеты США в Центральной Азии: основы, стимулы, коррективы. *Центральная Азия и Кавказ*, 18(2), 27-37.

45. Бафоев, Ф. М. (2022, November). СТАТИСТИЧЕСКИЕ ДАННЫЕ КАК ИНДИКАТОР ЭФФЕКТИВНОЙ РЕАЛИЗАЦИИ ЦЕЛЕЙ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ (ЦУР). In *INTERNATIONAL CONFERENCE: PROBLEMS AND SCIENTIFIC SOLUTIONS*. (Vol. 1, No. 6, pp. 42-50).

46. Бафоев, Ф. (2012). К ВОПРОСУ ОБ ЭВОЛЮЦИОННОМ ПРИНЦИПЕ СТРОИТЕЛЬСТВА НОВОГО ОБЩЕСТВА В НЕЗАВИСИМОМ УЗБЕКИСТАНЕ. *Fuqarolik jamiyati. Гражданское общество*, 9(1), 54-55.

47. Bafoev, F. (2019). LIBERAL ISLAM IN THE CONTEMPORARY WORLD: NEW LANDMARKS OF TRUMP'S ADMINISTRATION. *Central Asia & the Caucasus (14046091)*, 20(2).

48. Бафоев, Ф., Мирзаходжаев, А., & Мирзаев, А. (2018). Принцип неделимости безопасности: непрерывность, целостность, универсальность. *Fuqarolik jamiyati. Гражданское общество*, 15(1), 80-83.

49. Феруз, Б. (2015). Среднесрочные приоритеты США в Центральной Азии: основы, стимулы, коррективы. *Центральная Азия и Кавказ*, 18(2), 27-37.

50. Шукуруллаев, Ю. (2022, December). СОЗДАНИЕ ВОЕННЫХ УСТАВНЫХ ГРУПП ЕВРОПЕЙСКОГО ТИПА В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ.

In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE" THE TIME OF SCIENTIFIC PROGRESS"* (Vol. 1, No. 4, pp. 42-51).

51. Шукриллаев, Ю. А. (2006). Бухоро амирлигида кўшин ва ғарбий иш (1756-1920 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий дражасини олиш учун езилган диссертация.-Тошкент, 2006.

52. Шукруллаев, Ю. А. Армия Бухарского эмирата и военное дело (1756-1920 гг.). Автореферат кандидатской диссертации по истории.-Ташкент, 2006.-26 с.; К вопросу о дипломатических сношениях между Россией и Бухарой через Оренбург в конце XVIII-начале XIX веков. *Общественные науки в Узбекистане*.-1962, 7, 55-59.

53. Ахмеджанов, М. М., & Нурматова, Н. У. (2017). Роль воспитания молодежи в духе толерантности в процессе глобализации. *Молодой ученый*, (7), 421-422.

54. Нурматова, Н. У. (2017). Применение мультимедийных технологий в образовательных учреждениях. *Міжнародний науковий журнал Інтернаука*, (6), 25-27.

55. Ахмеджанов, М. М., & Нурматова, Н. У. (2016). Farabi-first philosopher in his times. *Молодой ученый*, (2), 943-944.

56. ЗОИРОВ, Э. Х. НАУЧНОЕ НАСЛЕДИЕ МАХДУМИ АЪЗАМА. *АКТУАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ Учредители: ООО" Агентство перспективных научных исследований"*, (20), 29-32.

57. Зоиров, Э. Х. (2022, December). ДУХОВНОЕ НАСЛЕДИЕ МАХДУМИ АЪЗАМА. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE" INNOVATIVE TRENDS IN SCIENCE, PRACTICE AND EDUCATION"* (Vol. 1, No. 4, pp. 121-131).

58. Zoirov, E. H. (2021). Questions of ontology of nature in the teachings of mahdumi azam. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(5), 91-94.

59. Зоиров, Э. Х. (2022). ОРИФ РЕВГАРИЙ-ВТОРОЙ ПИР БУХОРО-И-ШАРИФ. *YOUTH, SCIENCE, EDUCATION: TOPICAL ISSUES, ACHIEVEMENTS AND INNOVATIONS*, 1(6), 35-43.

60. Khalilovich, Z. E., & Orifovich, D. G. (2020). ANALYSIS OF THE TEACHINGS OF MAHDUMI AZAM AND CLASSIFICATION OF PAMPHLETS. *International Engineering Journal For Research & Development*, 5(4), 4-4.

61. Nigmatovna N. G., Erkinovna U. V. Pharaoh of the weavers of bahauddin naqshband //Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 5. – С. 922-926.

62. Наврўзова, Г. (2005). Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. *Тошкент: "Фан, 233*.

63. Nematovna, N. G. (2021, February). The essence of Abu Ali Sina's treatise on birds and the influence of mystical ideas on its development. In *Archive of Conferences* (Vol. 16, No. 1, pp. 19-23).

64. Наврўзова, Г. Н. (2021). Махдуми Аъзам Нақшбандия асоси бўлган тўрт калима хусусида. *Academic research in educational sciences*, 2(3), 188-199.
65. Наврўзова, Г. Н. (2007). Нақшбандия-камолот йўли. *Тошкент: “Фан”, 189.*
66. Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. - Т.: “Янги аср авлоди”. 2003.
67. Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний (Рисолаи соҳибия)* Васиятнома.Т.: “Movarounnahr”, 2018.
68. Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Т.: “Фан”, 2005 й.,
69. Г.Наврўзова, Н.Нурматова. Юсуф Ҳамадоний-етти пирнинг табаррук устози. Т.: “MASHHUR-PRESS”, 2016.
70. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони (Рутбат ул-ҳаёт). Одоби тариқат. Коинот ва инсон. Т.:O‘zbekiston musulmonlari idorasi “MOVAROUNNAHR”, 2018.
71. Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт.Т.: “Абу Али Ибн Сино”, 2004.